

ЎЗНОМСИ

Ушбу сонда:

- 2 КИТОБ, КУТУБХОНА ВА КИТОБХОН ТАФАККУРДАН ЯРАЛГАН ОФТОБ
- 3 ЧЎЛДА ЧИРОҚ ЁҚҚАНЛАР
- 4 ДАВЛАТ МУАЛЛИМ Ёхуд ростдан ҳам «Жаҳон чемпионати»га йўл — Таллимардондан бошланадими?

ЎЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланди. Ўғил-қизларимизнинг дам олиши мазмунли ва кўнгилли ўтишини ташкил этиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш янги ўқув йилида пухта билим олишини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Хомийлар ва шифокорлар йилида болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва оромгоҳларда дам олишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумининг қандай ўзига хос томонлари бор?

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish бўйича республика доимий комиссияси раиси Дилбар ЖАХОНГИРОВА бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимизда ёш авлодини соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида, — деди Д.Жаҳонгирова. — Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил таътиб этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг яққол далилидир. Соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хослиги таълим ва тарбия жараёнининг ўзаро уйғунлигидир. Бу фарзандларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бундан тўғрива таълим бериш каби йўналишларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Болаларнинг ёзги оромгоҳларда мириқиб ҳордик чикаришини кўнгилдагидек уюштириш «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу масъулиятли жараёнга қизгин тайёргарлик кўрилди. Аънамага кўра,

Ўғил-қизларимизни соғломлаштириш ва ёзги дам олиш мавсуми 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бошланади. Ушбу мавсумни уюшқоқлик билан ва юқори савияда ташкил этиш мақсадида болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish бўйича республика доимий комиссияси фаол иш олиб бормоқда. Барча оромгоҳларни мавсумга пухта шайлаш, уларда болаларнинг мароқли дам олишини таъминлаш, ўғил-қизларимизни турли соғломлаштириш, маданий-маърифий, спорт тадбирлари билан қамраб олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бу борада ўтган йилги таърибага таянган ҳолда иш юритилмоқда.

Ўтган йили етти юздан ортиқ дам олиш масканида икки юз қирқ минг нафардан зиёд ўғил-қиз хордик чикариди. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг «Орол болалари», Ўзбекистон Марказий банки Андижон вилоят бошқармасининг «Кўёшча», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг «Нефтчи», Қашқадарё вилояти Шўртан газ-кимё мажмуасининг «Лочин», Самарқанд вилояти

«Жума пахта тозалаш заводи» акционерлик жамиятининг «Соғлом авлод», Сурхондарё вилояти «Жарқўргоннефть» ҳиссасдорлик жамиятининг «Нефтчи» каби ўн олтига болалар соғломлаштириш оромгоҳи 2005 йилнинг энг яхши дам олиш масканлари сифатида эътироф этилди.

— Бу йилги дам олиш мавсумининг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

— Бу йилги мавсумда олти юзга яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳида қарийб 227 минг нафар ўғил-қиз хордик чикариди. Дам олиш масканлари — тоғли худудлардаги, санаторий туридаги, спорт-соғломлаштириш, меҳнат — роҳат, мактаблар қошидаги оромгоҳларни ўз ичига олади. Болаларимизнинг хордик чикаришини таъминлаш мақсадида мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланилиб, ҳокимликлар, жамғармалар, хомий ташкилотлар маблағларини фаол жалб этган ҳолда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ҳузуридаги оромгоҳларни кўпайтириш, уларда дам олдирishладиган ўқувчилар сонини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг уч ярим минг нафар ўғил-қиз пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг сўлим қўшларига дам олади. Улар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, серфарзанд, эҳтиёжманд оилаларнинг ўғил-қизларидир.

— Мавсумда болалар қизиқарилиши ва мазмунли дам олиши учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати, турли жамғармалар, болалар ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий дастурлар ишлаб чиқилди. Оромгоҳларда бир неча йўналишда иш олиб борилади. Жумладан, «Ўзбекистон — Ватаним меним» мавзудаги тадбирларда ёшларни она-Ватанга муҳаббат, шонли тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилса, «Олтин мерос» йўналиши меъморий обидаларимиз, маданий ёдгорликлар билан ақиндан таништиришни кўзда тулади. «Соғлом авлод» йўналишида болалар гуруҳ ва жамоалари ўртасида теннис, футбол, сузиш, миллий кураш, қўл тўпи каби спорт турлари бўйича мусобақалар, эстафеталар ўтказилади. Айни пайтда кашфиётчилик, лойихалаштиришга қизиқувчи болаларнинг олимлар, халқ усталари, ижодкорлар билан учрашувлари, давра суҳбатлари ташкил этилади. «Экосан» йўналишида болалар Ўзбекистон табиатини ва алоҳида муҳофаза қилинувчи миллий болалар, қўриқчалар, табиат ёдгорликларини ўрганадилар.

Шу билан бирга «Ватан тонли», «Ўзбекистон — истеъдодли юрти», «Мафтуноқдор рағбат дунёси», «Муъжиза кор табиат», «Ўлкамда ёз» каби мавзуларда кўрик-танловлар, мусиқий тадбирлар, беллашувлар, саёҳатлар, экскурсиялар ташкил этилади. «Ёш саёҳатчилар», мусиқа, рақс, тасвирий санъат тўғрисидаги кўриқчалар, кутубхоналар фаолият кўрсатади. Бошқача айтганда, болажоннинг бирор дақиқаси ҳам бўш қолмайди.

Айни вақтда дам олиш масканларида ишлаш учун тавсия этилаётган ҳар бир педагог-тарбиячи, ёшлар етакчисининг маънавий, касб маҳорати, тажрибаси, ишга нечоғли масъулият билан

ёндирилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада турли вазирлик ва идоралар, муассасалар вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда 2006 йилги болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил этишга оид барча масалалар атрофида муҳокама қилиб олинди.

— Болалар дам олиш масканлари фаолиятининг ташкилий-техник масалаларини ҳал этиш ҳам муҳим.

— Албатта. Жойлардаги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish бўйича вилоят комиссиялари иштирокида мутасадди ташкилотлар томонидан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлиги чораларини белгилаш, уларни сифатли ичимлик сув ва алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга ошириляпти.

Болалар оромгоҳларини тоза ичимлик сув, озик-овқат маҳсулотлари, сархил ва сифатли мева-сабзавот билан узулқизи таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Айни пайтда дам олиш масканларига автотранспорт воситалари акратишда ва хизмат кўрсатишда муайян имтиёзлар назарда тутилган. Манфаатдор ташкилотлар оромгоҳларни зарур технология асбоб-ускуналар, маданий моллар, спорт анжумлари, мебель жиҳозлари билан таъминлайди.

Фарзандларимизнинг ёзги дам олиши мазмунли ва кўнгилли ўтишига эришиш давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб улғайиши йўлида кўрсатилаётган муттасил ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

ЎЗА мухбири
Назкат УСМОНОВА
ёзиб олди

Ислоҳ КАРИМОВ:
Биз бугун катта гуруҳ ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланимоқда. Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.

Ватан — саждагоҳ каби муқаддас

Одатимиз шундай: ўғилдир, қиздир — фарзанд туғилса дилдан қувонамиз. Ушбу ҳушхабарни етказган кишига «суянчи» улашамиз. Аммо шуниси ҳам борки, «Пахлавондек ўғил кўрдингиз» деган ҳаёт кўнгил-ни тўғдек кўтариб юборади. Ҳа, ўғил бола нафақат ота-онаси, балки миллатининг фахр-ифтихори, қалқони, кўнгил тўқлигидир. Ривоят қилишларига, йигитлари пахлавон, мард ва жасур қалъадан ҳатто арслонлар ҳам айланиб ўтишаркан.

— Шу боис азалдан халқимиз Ватан посбонлари бўлган ўғлонлар тарбиясига алоҳида эътибор берган. Ўғил бола дунёга келган кунидан унинг саломатлигига маънавиятига масъулият билан қараган. Оналар ўғил болаларга айтган аллалари ҳам ўзига хос. Уларда мардик, мардоналик, жасорат, энг муҳими, миллат келажакига масъулилик акс этади. Бешиқдаги бек болаларни «меникимас элики, юртига, эл хизматига бўлсин» дея дуо қилишган. Қадамидан ўт қақнаб турсин, деган ниятда гўдақлигидан оёқларига от, туя ёғидан суртишган, она юрт тупроғи хароратини вужудига сингдириб бориши учун саратон иссиғида оёқ яланг юрдиршган. Суннат тўйида оёқ, мучал айёмда содиқ ҳамроҳ бўлсин дея ит соғва қилинишида ҳам

бола эди. Бугун унинг шамшоддек қадди-қомати, кучга тўлган билаги, кўзларидидаги журъати ва ишонч бизни ҳайратга солди.

Армия бугун чинакам ҳаёт талабига айланди. Хизматни ўтаган Дилмуроддек ёшларимиз ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишмоқдаларки, бундан, айниқса, ота-оналари фахрланиб, кичик укалари эса ўрнат олишмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилмаган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан хизматни ўтаган ва

ДАВЛАТ УЎЛГА ҚАЙТДИ

рамзий маъно бор. Халқимизга хос бундай урф-одатлар, удумлар замирида эса ватанпарварлик, баҳодирлик, жанговарлик тарбияси акс этган. Бу борадаги ижтимоий-сиёсий масалаларга ҳам мамлакатимизда алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давр талабига жавоб берадиган, тезкор, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроқ ва техникага эга бўлган армияни шакллантиришга киришилди. Бундан кўзланган асосий мақсад халқимиз олдида қўйган улғувор вазифаларга эришиш, юртимиз тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталигини, энг муҳими, Ватанимизни худудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдир.

Кувончли томони шундаки, ўтган даврда юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосда ташкил этилган, стратегик мақсадларга мос келадиган қуролли кучларни яратиш бўйича амалий ишлар қилинди. Энг муҳими, халқимизнинг армияга муносабати тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда кун сайин обрў-эътибор қозонди.

Президентимизнинг мамлакатимиз жанубий чегарасида Ватанимиз сарҳадлари, посбонлари, офицер ва аскарлар билан учрашувда дилбар қизларга қарата «Армияга бормаган йигитларга ишониб мумкинми?» деган сўровлари аскар йигитлар обрўсини оширди. Жамоатчилик ўртасида улар нуфузини кўтарди. Негаки, армия кўрган йигитлар биринчидан жисмонан чиниккан, ақли, мард ва жасур бўлишди. Яна улар юртига, оиласига, қўйингки, атрафдаги ҳар бир инсонга алоҳида меҳр билан қарашга ўрганди.

— Аскарлик йигитнинг кўрки, — дейди армия хизматидан катта қувонч билан қайтган Дилмурод Каримбоев. — Шу билан биргаликда масъулият, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурчдир. Ҳар гал аскар кийимда соқчиликда турарканман, гўё маънан юксаламан, руҳан покланаман. Айниқса, қаддинги роз тўтиб, она Ўзбекистон мадҳиясини қуйлаганимда, байроқни ўпиб қасамд қилганимда қалбим гурурга тўлиб кетади. Сергак тортасан. Ахир юрт озодек, осойишталиги ҳар бир аскар йигитни сергалантириши шубҳасиз. Аммо аскарликнинг ўзига хос шундай руҳий ҳолатлари борки, буни фақат аскар бўлган йигитларгина кўнгил билан ҳис қилишди. Менимча, ана шу ноизқ туйғу аскар йигитларни бошқалардан ажратиб туради, уни кун сайин, соат сайин тарбиялаб боради.

Аскарликдан яқинда бир олам таассурот ва қатъият билан гуллар маскани Наманганга, ота-оналари бағрига қайтган Дилмуроднинг ана шундай қувончлари бил олам.

— Ўғлимизни армиядан қайтиши нафақат оиламиз, балки маҳалламиз ахли, узоқ-яқин қариндошлар учун ҳам тўй бўлиб кетди, — дейди аскар отаси Талаббой Каримбоев. — Ўғлимиз билан гўё уйимизга фойз кириб келгандек бўлди. Армияга кетаётганда уятчан, тортинчоқ ва бўйчангина

тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга шартнома суммасининг 35 фоизи миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилаётгани ёшларга катта руҳий мадад бўлмоқда.

— Ушбу муҳим ҳужжатни биз ёшларга Президентимизнинг раҳамонлиги ва ғамхўрлиги деб биламан, — дейди Д.Каримбоев. — Армияда яхши хизмат қилганим, топшиқларни аниқ ва ўз вақтида бажарганим, энг муҳими, Ватан ва халқ хизматига камарбасталигим тўғрисида мен ҳам ана шундай ишончга сазовор бўлдим. Хизмат жойимдан Ўчки ишлар вазирлиги академиясига ўқишга кириш учун махсус йўналма беришди. Бу билан мен тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдоридан қўшимча балл шаклида имтиёзга эришдим. Ишонманки, бу қулайлик ҳаётимга мазмун бағишлайди, орузум улашишга йўл очади.

Ҳа, армия Дилмуроднинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Ундаги ғайрат ва ҳавас ҳарбий хизмат давомида ҳақиқий жасорат ва ватанпарварликка айланди. Унинг чин маънода шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

— Армия ўғлимнинг қалбидида ҳаётга ҳавасни, ғалабага эришиш иштиқини кучайтирганидан бошим осмонда, — дейди Дилмуроднинг онаси Шаҳзода-хон Каримбоева. — Назаримда ўғлим янада меҳрибонроқ, янада мулоҳазакор, шунингдек, ақли расо, ҳаракатчан бўлиб қолган. Олдингидек уйкучи эмас, тонг ёришганидан уйғониб, спорт билан шуғулланади, томорқа қарайди, менга ёрдам беради, сўнгра имтиҳонларга тайёргарлик кўради. Авваллари бу болага китоб ўқитолмай жоним халак эди. Астойдил берилиб тест синовларига тайёргарлигини кўриб қувонаман.

Аскар онасининг икромини тинглаб ўйлайман. Миллий армиямиз — озодек Ватанимиз қудратли таянчи бўлиши билан бирга, мардик ва ватанпарварлик мактаби, ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб вояга етиши, умуман жамиятимиз аъзоларининг соғлом бўлиши учун хизмат қилувчи муътабар масканга айланди.

— Армия мени ҳар томонлама тарбиялади, Ватанимиз бундан бундан билан аниқлаб етдим. Она-замин дахлсизлиги ва муқаддаслигини тушуниб етдим. Хизматдан қайтган сафдош дўстларим бугун республикамизнинг турли бурчқаларида яшасалар ҳам юракларни бир муқаддас сўздан нурланиб турибди. Бу Ватандир. Юрагидан ана шундай Ватан меҳри уйғоқ ўғлонлари бор экан, ишончимиз қомилки, юртимиз тинч-осойишта, осомни осяда, келажакки порлоқ бўлади.

Юрғи фахр-ифтихорга тўлиб, Ватани билан гурурланиб армиядан қайтган, кўзларидан ўт қақнаб турган Дилмурод Каримбоевнинг бу икром, умид қилганимиз, эзулук дарахти мисол мамлакатимиз ўғлонлари қалбидида барг ёзади, Ватанимизни шон-шарафга бурқайди. Зеро, йулбошимиз эътироф этганларидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлади.

А. НАБИЕВА

Мамлакатимизнинг зарбдор қурилишларида

Иш билан бўлиб пойтахтдан кеңроқ чиқдик. Қоронғу тушгунча доводдан ўтиб олишни кўзлаган эдик. Иш бир юришмаси, юришмаси экан. Довоннинг бошланғичида машинамиз «иш кўрсатиб», анча вақт тўхтаб қолдик. Борликни қоронғилик қўлгади. Осмонда юлдузлар чарақлаб бошладилар. Поп ва Чуст туманлари марказларини четлаб ўтган Тошкент-Наманган автомагистралдан ўтаётганимизда, одамлар уйкуга ёта бошлаган эди. Фақат Чуст ва Тўрақўрғон туманлари ўртасида қадимий адирликлар оралиғидаги сув омбори иншооти қурилишидагина ҳаёт қайнамоқда.

жон ва Фарғона вилоятларидаги, шунингдек, Сирдарё ўзани оқиб ўтган Сирдарё ва Жиззах вилоятлари дехқонлари ҳам бу ноёб иншоотдан келгусида катта наф қўришади.

Дарҳақиқат, сув омбори бугунги кунда мамла-

АДИРЛИК ОРАЛИҒИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

... Тунда автомобил ҳаракати сезилмайди. Гўёки йўлингиз устидидаги шаҳар-қишлоқлар сиз томон чопиб келаётгандек туюлади. Бу ҳолни аҳоли яшаш жойлари узра сочилган дурдек бетхисоб электр чироқлари шода-сида ҳам кузатамиз. Чуст тумани марказидан беш-олти чақирим ўтганимиздан кейин бошланган адирликлар тўсатдан сойнинг темир-бетон кўпригидан бир чақирим ўтгунча пастлайди. Бу ердан юришнинг гашти ўзгача. Негаки, ўнг томондаги икки адирлик оралиғидан ўтган сой ўзани бўйлаб ўрмалаган азим Сирдарёга боқиб ярайсиз. Шарғимизнинг шоирона ўхшатишида ифодалангандек, рўпарада бетиним ҳаракатланаётган ўнлаб техникадан таралиб турган нур «Сомон йўли»нинг бир парчасини эслатади. Сухбатимиз мавзуси беизтиёр бунёд этилаётган мана шу улкан иншоотга бориб тақалди. Узини Баҳодиржон Раҳимов деб таништирган Йигит сув

қурилиши мутахассисларидан бири экан. — Яна икки йилдан сўнг бу ерларни танимай қоласиз, — дея таърифлайди Баҳодиржон. — Икки адирни туташтирувчи ушбу йўл ўрнида катта темир-бетон кўприк бунёд этилади. Атроф тамоман ўзгариб кетади. — Наҳотки иншоот шу ерғача етиб келса? — яна ишонқирамай сўраймиз ундан.

— Ахир сув омбори ўзанининг узунлиги 15 чақиримга боради, — дейди Баҳодиржон ҳайратини яширولмай. — Ушбу сув омбори ўз аҳамияти, оби ҳаётни тўплаш ҳажми жиҳатидан Марказий Осиёдаги қудратли иншоотлардан бири бўлади. У Сирдарёнинг куз ва қиш ойларида беҳуда оқадиган сувини ёзда Наманган вилоятидаги қатор хўжалиқларнинг экинзорларига етказиб беради. Аҳоли яшаш жойларига хавф солиб турадиган селни жиловлайди. Нафақат Наманган вилояти, балки унга қўшни Анди-

катимизнинг зарбдор қурилишларидан бирига айланган. Уни барпо этишга 23 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу ишни «ТўпалангсувГЭС» қурилиши» масъулияти чекланган жамиятининг ишчан жамоаси олиб бормоқда. Шу билан бирга вилоятдаги 49 та пудратчи ташкилот жамоаси ҳам бунёдкорлик ишида иштирок этамоқда. Вилоят ва туман ҳокимликлари қурувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, техникаларнинг бетўхтов ишлаши учун зарур бўлган барча шароитларни аратиб берапти. Бу эса белгиланган режаларнинг ўз вақтида юксак талаблар асосида бажарилишини таъминламоқда.

Ҳамроҳимиз биз билан хайрлашиб, йўлда тушиб қолди. Унинг гап-сўзларини ўйлаб, бир воқеа ёдимга тушди. Бундан 10-12 йиллар муқаддам газетамизда Иккинчи жаҳон уруши широкчиларидан бири, душмани чегарада қўлида курул билан кутиб дарё



бўйига бордик. Мезбонлар билан дарёда чўмилиқчи бўлдик. Аммо сувга тушганимизга минг бора пушаймон едим. Негаки, сув ўрнига лой, балчиқ ва турли олқиндилар оқаётган экан. Демак, энди бу дарёда ана шундай олқиндилар эмас, балки тоза сув оқади ва энг долзарб паллада экинзорларга йўналтирилади. Бошқачасига айтганда, шу оби-ҳаёт жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига, элимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишига хизмат қилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

КАЙ БИРИ ҚИММАТ?..

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошида ташкил этилган «Шарқ зибкори» китоблар маркази қайта тасмирлангандан сўнг, гўзал кийфга касб этди. Мухлисларга зарур қўлайликлар яратилди. Яқинда шу гўзал савдо марказида сотувга қўйилган янги китобларни кўздан кечириб келишимиз. Шовкин-сурон билан 5-6 болакай ва уларнинг ортдан ҳай-ҳайлаганча уч аёл кириб келишди. Хил ўтмай болакайлар ўзларига керакли китоблардан танлашга киришиб кетишди.

Оналар ҳам ўзларича, у-бу китобни варақлаган бўлишди. — Вой, бу китобни қимматлигини-чи, — деди аёллардан бири. — Қани, болалар кетдик. Бу ерда биз оладиган нарса йўқ экан.

Болаларнинг бирортаси унинг гапига эътибор қилишмади. Уларнинг қувончдан кўзлари чакнари, гўё ҳазина топгандек китоб танлашарди. Сўзи ерда қолган аёл чакқонлик билан бориб кўчликка қизалоқнинг қўлидаги китобларни тортиб олди. Уни қўлидан судраганча, эшикка йўналди.

— Кетдик, сайилгоҳга борамиз, кабоб, музқаймоқ олиб бераман. — Музқаймоқ ҳам, кабоб ҳам емайман, менга китоб керак, — қизалоқнинг тим қора кўзлари ёшга тўлди.

— Бунча анграйиб қолдинглар,— қизалоқнинг онаси шериқларига захрини сочди. — Нима, бу ерга китоб олгани келувингларми? Яқинда таътил бошланади.

— Таътилда китоб ўқишимиз керак, ўқитувчимиз айтганлар,— нигоҳлари ёшга тўла қизча онасига умидвор термулади.

— Таътил ўқишга эмас, дам олишга берилади, — она қизини силтаб ташлади.

Боласининг ялиниши билан китоб олмақчи бўлган кўчликка на жувонга: — Нима қиласиз шунча қиммат китобни олиб. Ўқимокчи бўлса, ана кутубхона тўла китоб, — деди.

Хуллас, уч онанинг бирортаси ҳам боласига китоб олиб беришди. Болакайлар орқалига қарай-қарай дўндондан чиқиб кетишди. Керакли китобни олган,

негадир мен ҳам «Сайилгоҳ»га борим келди. Аслида бу боласига китоб олиб бераман оналарни яна бир бор кўриш эди. Ўйлаганимдек, уларни кабобхўрлик қилаётганларида учратдим. Халигина китоб олиб бераманга учун арабча қолган болакайлар ҳам иштаха билан болакайларди. Уларга қараб туриб кўнглим бўзилди...

Бир-биридан чиройли кийинган, тўйга бораётгандек қимматбахо такинчоқлар тақиб олган бу кўчликка аёллар кўзимга ёмон кўриниб кетди. Назаримда, улар кабобга қўшиб фарзандларининг келажagini кемираётганга ўхшашарди. Бу ҳақда кўп ўйладим. Ишоним қилиб, ўша кунги кабобхўрликка битта эмас, ўнлаб китобга етадиган пул кетган.

ТОКЧАЛАРГА ТЕРИБ ҚҲЙИЛГАН...

Бугунги тيرانок англаш учун кечаги кўнларимизни ҳам эслаш жоиз. Бугун китоб ва китобхонлик ҳақида ўйлаганимда беҳитиёр болоғимиз ёдимга келади.

Хаммамизга маълумки, болаликнинг осмон кенг, нигоҳи тийрак бўлади. Йиллар бизни болаликдан қанча узоклаштираман, қалбимиздаги гўзал хотиралар билан унга шунча яқинлашаверамиз. Ҳар гал болалигимни эслганимда ганжкори мўҳмонхонамиздаги токчаларда териб қўйилган китоблар хотирамга келади. Меңга «сирли» бўлиб туоладиган бу китоблар фақат алоҳида кунларда — ҳайит ёки ўйимизда табаррук мўҳмонлар йилгилганда «настга» тушарди. Чарм муқовалари нақшинкор, варақлари нафис, шойидек товланиб турувчи бу китобларни раҳматли дадам овоз чиқариб ўқир, қолганлар жим туриб эшитарди. Дадам вафотларидан кейин бу китобларни ўйимиздаги йилгиларда Музаам аммам ўқирдилар. Бу китоблар мазмунини кишлоғимиздаги саводлиқ саводсиз — барча биларди. Юсуф ва Зулайхо қиссаси, Алишер Навоий, Машраб газаллари мурғак тасаввуримда ўша келган шуъла таратиб кириб кетар.

Айтишларича, уйда китоб сақлашининг ҳам хосияти бор. Фақат уни вақти-вақти билан ўқиб туриш керак. Шунда китобдаги ҳикматдан уйга яхшилик ёғилиб туради. Шундан бўлса керакки, онам қадимий бу китобларга алоҳида ҳурмат билан қарардилар. Ҳар уй кўтарганимизда онам ювиниб-тараниб, тоза кўйлақларини кийиб, китоблар боғлаб қўйилган шойи рўмонли авайлаб очардилар.

Кейин бирма-бир китобларни ўлиб, кўзларига суртиб, тавоф қилардилар. Онамининг бу ҳаракатлари бизга қулгули туоларди, шунда қойиб берадилар.

Китобни кўриб турсанг ҳам покланасан, рўҳинг қуватланади, уйингдан фаришталар қочмайди. Онам айтган бу ҳикмат мағзини кейинчалик англаб етдим. Китобга ошно бўлмоқ, хатто унга қараб турмоқ ҳам одамни яхшиликка, илм-маърифатга бошларкан.

МАЪРИФАТСИЗ УЙ

Бу хонадонга мени опам олиб борган эди. Улар почамнинг узок қариндошлари экан. Ҳамма нарса — бойлик, мартаба, ҳаҳам, рисоладагидек ширинсуханлик бор бу хонадонда, фақат бир нарса йўқ эди. Уша йўқ нарса нималигини билолмай, ҳайрон эдим. Нонушта, тушлик, шомда биз мўҳмонлар учун қордек оппоқ дастурхон ёзилди, тилла суви югуртирилган идишларда тансиқ таомлар тайёрланар. Ҳамма хушчақчақ, байрамона кийиниб дастурхон атрофида тулланар, хонадон соҳиб келгунча, бирор киши дастурхонга қўл узатмас эди. Ҳамма нарса худди кинолардагидек эди бу ерда. Ҳашамдан, ортиқча мулозатматдан боши айланиб ҳаҳжондан гоҳ оппоқ дастурхонга чой тўкар, гоҳ овқат томизардим.

КИТОБ, КУТУБХОНА ВА КИТОБХОН ТАФАККУРДАН ЯРАЛГАН ОҒТОБ

Китоб, китобхонлик ҳақида кўп ёзамиз, деярли ҳар даврада сўзлашамиз. Китоб — тафаккур гулшани, китоб — маърифат ёғдуси, китоб — камолот салтанати... Бундай гўзал таърифларни истаганча келтиришимиз муамкин.

Дунёнинг сир-синоатини очувчи эзгулик ва тафаккур қалити китоб эканлигини кўпчили-

гимиз яхши биламиз. Аммо илмлар хазинаси кутубхонага ёки китоб дўконига негадир бо-ришга ҳамиша ҳам ҳафсала қилавермаймиз. Нега шундай экан? Бир ўйлаб кўрайлик-чи, бизга олам-олам завқ берган кутубхонага охириги марта қачон бордик? Яқин орада китоб дўконидан қандай китоб сотиб олдик?

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ»

Фарғонада китоб байрами

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоятларда китоб байрамларини уюштирмоқда. Кунги кеча ана шундай тадбирлардан бири Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Эрта тонгда Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғи китоб муҳлисари ҳамда мўҳмонлар билан гажум бўлди. Бу ерда «Улуғимсан, Ватаним!» деб номланган китоб байрами бўлиб ўтди.

Байрам тадбирида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ғафур Ғулום», «Чўлпон» номидаги, «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа уйлари, «Ўзбекистон» миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Маънавият», «Янги аср авлоди» нашриётлари томонидан сўнгги йилларда chop этилган 400 га яқин ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий адабиётлар намойиш қилинди.

Китоб байрамида мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буорган танлики шир ва ёзувчилар Фарғона Давлат университети талабалари билан учрашди.

Тадбир сўнггида мўҳмонлар Марғилон шаҳридаги 1-Мехрибонлик уйи кутубхонасига ўқув дарслиқлари ва болаларга аталган китоблар тақдим этилди.

Зохиджон БОЛТАБОВЕВ, «Ишонч» муҳбири

Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

Муштарий фикри

Яширишнинг ҳожати йўқ: бозор иқтисодиёти одамларни ҳисобли қилиб қўйди, пулнинг қад-қимматини оширди. «Пул бўлса чангалда шўрва», деган ота-боболардан қолган нақл тез-тез тилга олинмаган бўлди. Тўри-да, пули бор одам қўлини қаёққа узатса етди. Истаса, чўлини бўстонга айлантиради, истамаса яшаб турган чаманзорни бузиб, тижорат мақсадида фойдаланади. Утган йили Юнусовод туманида жойлашган тарихий тепаликларнинг тупроғидан пишган гишт ишлаб чиқарадиган бир «тадбиркор» сазй-ҳаракатини кўриб, юрагим орқага тортиб кетган эди. Ишбилармон ананама демай атрофга кўрк бағишлаб турган тепаликларнинг «бағри»ни тилиб, ишини юритди. Ҳайриятки, яхшилар ўртага тушиб, тарихий тепаликлар сақлаб қолди. Аммо баҳор кузда ям-яшил бўлиб, кўнгиллариимизни яшнатадиган тепаликда ўйим-чўқур «жароҳатлар» қолди. Ҳар кунни ана шуларга кўзим тушиб юрагим тилинади, қайғитим бузилади. Қарангки, донолар топиб айтишган, ёнинглаги битта маънавий қашшоқ, аксиз одам минглаб душман қилолмаган ишни ўз манфаати учун қилиши мумкин.

НАЖОТ ПУЛДАМИ?

Демак, инсонни манфаат эмас, манфаатни инсон бошқарши керак. Бунинг учун у маънан етук, билимдон бўлиши, Ватан, халқи тарихини севуши керак. Шундагина инсоний муаммолар ўз-ўзидан ҳал этилади. Мустақил дёиримиз фўқаролари учун нажот йўли пулнинг, бойлиқнинг қўлида эмас, маънавиятда, маърифатда, кўнгил саховати, иймон бутлигидадир.

Дунёда пул — бойлик билан битириб бўлмайдиган муаммоларни ақли бир тадбир билан ҳал этса бўлади. Бунга тарих гувоҳ.

Шунинг учун аждодларимизнинг маънавий меросидан фойдаланиб, унинг замирида ўз маънавиятимизни ошириб боришимиз керак. Афсуски, кейинги пайтда одамларда бадиий китоб, газета-журналлар ўқишга қизиқиш сусайиб кетди. Яқинда бир тадбиркордан қандай китоб ёки газета, журнал ўқийшини сўрасам, мени замондан орқада қолганликда айблади:

«Бугун китоб ўқишга бало борми, компьютер, интернет хизмати турганда!» деб ўзича мени мулзам қилди.

Ўзингиз ўйланг, эртаю кеч моддий бойлигини қўпайтириш ҳақида ўйлайдиган, аммо маънавият ҳақида гапирганда, пешонаси тиришадиган бундай тадбиркордан эртага нима кутиш мумкин? Ҳеч мулобағасиз эътироф этиш зарурки, моддий бойлик ҳам инсон учун ниҳоятда керак эҳтиёж. Бироқ бойлик нақадар қудратли бўлмасин, унинг оғиз ва нотавон томонлари кўп. Ҳаётда пули, бойлиқнинг ҳисоби йўқ шундай оилалар борки, фарзандларининг қилмишидан юраклари зада ёки маънавий хасталигини доволай олмай жони ҳалак.

Навоийнинг йиқматларини билмаган, Қодирийнинг романларини йиқлаб ўқимаган, халқ дошинамдигига белисанчи қараган кишини қандай қилиб инсон деб бўлади.

Китоб ўқишга вақт тополмаган тадбиркор меҳр-саховати юзаки тушунади, муаммолар қаршида эсан-қираб қолади. Қолаверса, маърифатдан ёришмаган кўнгилда худбинлик, худпарастлик, ҳаҳолат секин-ас-талиқ билан бош кўтарди. Бу эса ёмон иллат.

Инсонни инсон қилиб танитадиган унинг маънавий бойлигидир. Бу ҳазина қалити эса китобларда бер-китилган. Токи, китоблар қатидан уни ўзимиз излаб топмас эканмиз, бажараётган ишимиз омонатлигича қолаверади.

Гулсарвар РАУПОВА, Тошкент Молия институти талабаси

Касаба уюшма кутубхонаси

БИЛИМИ ЗҲР МИНГНИ ЕНГАР

Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарғибот-таъшиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори кишиларда Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини, мустақилликни мустаҳкамлаш маъсулиятини кучайтириш, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сир эмас, сўнгги пайтларда айрим жойларда касаба уюшма кутубхоналари фаолияти тўхтаб қолди. Бироқ Касби туманидаги Алишер Навоий номи тажриба элита хўжалиги хусусида фақат илқ фикрларни айтиш мумкин. Хўжалик раҳбари, «Эл-юрт хўрма» ордени нишондори Зикрий Асроров ва касабақўм раиси Абдуқодир Максудовнинг сазй-ҳаракатлари туфайли қишлоқ кутубхонаси сақлаб қолинди. На-фақат сақлаб қолинди, балки мустақиллик мафқурасига асосланган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоблар билан бойитилди.

Кутубхона мудираси Рохила Ҳасанова Қарши маданият коллежини тугаллаб, беш йилдан бери маданий-маърифий муассасада иш олиб борапти.

— Китоб — билим манбаи, деб бежиз айтишмаган, — дейди биз билан сўхбатда Рохилахон мамнунни-ти билан. — Ёшлигимдан китобга меҳр қўйганман. Шунинг учун ҳам кутубхоначилик касбини танладим.

Қишлоқ нурухонаси 2,5 минг нурухага ақин китоб фондига эга бўлиб, унинг 204 тасини ижтимоий-сиёсий, 2 мингтасини бадиий, қолганларини илм-фан, техника йўналишидаги адабиётлар ташкил этди.

Азалдан Буюк Ипак Йўли кескишувда жойлашган Касби кўна Насиф заманидан энг гажум шаҳарлардан бири бўлган. Бу ерда Шарқ мамлакатларида ҳам машҳур Ҳазрати Султон Мирҳайдар тарихий ёрғорлиги ва бошқа қўлпаб қадимий зияратгоҳлар жойлашган.

Зиё масканига киришингиз билан кўнгилингиз ярайди. «Президент асарларини ўрганиш бурчаги» ташкил қилинган. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ватан садаждоқ каби муқаддас», «Бунёдкорлик йўлидан»,



«Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўқин ҳаёт манбаи» каби асарлари бўйича ўтказилган китобхонлар конференциялари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Езувчи ва журналист Шомурод Шароповнинг «Касби шаҳар бўлганим...» тарихий асарни юзасидан уюштирилган мулоқотда ёш китобхонлар Зилола Мирзаева, Гаҳарар Юнусова, Дилобар Ҳабибовалар ўз она юрларининг ўтмиши ҳақида пухта билимга эга эканлиқларини намойиш қилдилар.

Йигирма киши бир йўла мутолаа қилиши мумкин бўлган қироатхонада «Мустақиллик», «Буюк жаҳонгир Амир Темурнинг 670 йиллиги», «Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги», «Бахтли болалик», «Маънавият ва маърифат» бурнақлари мавжуд. Навоий-хонлик, Бобурхонлик шеърларият кечалари, ёш қаламқашлар билан учрашувлар ўтказиш аънаънага айланган.

— Буюк истиклол туфайли жаҳонга юз очаётган Ўзбекистон тарихини ўрганиш, миллий қадриятлар ва аънаъналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, — дейди китоб шинавадан, иқтисодчи Иброҳим Воҳидов. — Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўқиб, она заманимиз ўтмиши нақадар зиддиятли воқеа-ҳодисаларга тўла эканлигини чуқур ҳис этдим.

Китобхоннинг 302 нафар китобхони бор. Тиббиёт ходими Лазиз Чиллов, ҳисобчи Улуғой Санаева, машина-трактор парки чилангари Пўлат Шерматов, маъмурий идора ходими Замира Авазова, ижарачи Байрамали Эшонқуллов ўнлаб адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодийга оид адабиётлар билан танишиб чиққанликларининг изҳор этдилар.

Кутубхона мудираси экинлар парваршиши, галла ва пахта йилим-терими даврида ширкатлар ва ижарачилар хузурига бориб янги

китобларни тарғиб қилади, дала-шйпонларда билимга чанқоқ ёшлар билан учрашувлар уюштиради. Бундай мулоқотлар хўжалиқнинг бир қатор бўлимлари, «Саховат» болалар оромгоҳи, машина-трактор парки, Дўстлик, Оққамиш, Хўжа Касби, Мўғлон маҳалларларида ҳам ўтказилди.

Кироатхонада «Халқ сўзи», «Ишонч», «Адолат кучи» ва туманда чиқади-ган «Садоқат» газеталари, бошқа қўлпаб матбуот нашрлари билан танишиш мумкин. Зиё масканига қадам босишингиз билан «Китоб илм бўлғоғи», «Китоб — ҳазина, билим — бойлик», «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингинг», «Билим субҳидаги зиё китобдир» каби ҳикмати сўзларга кўзингиз тушади.

Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда меҳнатқашлар ўртасида «Мустақилликни ҳимоялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз», «Эгали юрт эркини бермас», «Ёшларни зарарли оқимлар таъсиридан асрайлик», «Миллий қадриятлар, ёшлар ва демократия», «Баркамол авлод — миллат келажиги», «Аждодлар ибрати — авлодлар қудратини мавзуларидега ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, айнақса, таъсирчан ва самарали бўлди.

Касаба уюшма тасарруфидига кутубхона ҳамиша одамлар билан гажум. Хўжалик раҳбаридан тортиб оидий ишигича зиё масканида бўлиб, ўз билимларини мустаҳкамлайди, янги адабиётлар билан танишади. Ширинсўз ва зукко кутубхона мудираси Рохила Ҳасанова улар хизматига,

Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Ҳамма халқлар ва давлатларнинг китобларида заковат ва эзгулик бойлиги сочилиб ётибди.

Л.ТОЛЬСТОЙ

Зохиджон БОЛТАБОВЕВ, «Ишонч» муҳбири

Бир ҳовуч гавҳар

Донишмандлар фикри бўлиши бунда жам, роҳат-ку ўқисанг уни хотиржам

Китобдан яхшироқ дўст йўқ ҳаҳонда, Ғамхўринг бўлғай у ғамли замонда, У билан қол танҳо ҳеч бўлмас озор, Жонингга юз роҳат беради тақрор.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Кўёш нури тушмаса хўжра кунжига, Кўёш эмас, хўжра бунга айбдор.

Хусрав ДЕХЛАВИЙ

Китобки варақлари титилган, Билгилки, дилрабо битилган

Б.ПАСТЕРНАК

Бундан икки йил муқаддам газетамизда «Шаҳар чеккасидаги марказий кутубхона» сарлавҳали танқидий мақола chop этилган эди. Унда Урганч шаҳар марказий кутубхонасидаги қониқарсиз ахвол ҳақида фикр юритилган. Шундан кейин ҳам бу борада айтарили ўзгариш сезилмади.

«Машъал» маҳалласидаги 4-кутубхонада бўлганимизда бунга тўла амин бўлдим. Мудира М.Жумановичнинг айтишига қараганда, кутубхонага бу йил бирорта ҳам янги китоб, газета-журнал келтирилмаган. Марказий кутубхонадагилар бунинг сабабини маблағ йўқлиги билан изоҳлашди. 10-кутубхона ҳам биргина «Маъмун академияси» китобчаси билан тўлдирилгани-ю, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 3 та китоб ва ана шунча журнал берилганлигини айтмасда, дерли ўзгариш йўқ. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими мудираси Д.Иброҳимова хузурида бўлдик.

— Маблаг билан таъминлашда шаҳар ҳокимлиги томонидан етарли даражада эътибор қаратилмапти. Хусусан, жорий йилда 2 миллион 84 минг сўм ажратилган. Бу

Зиё масканига

Зиё масканига институт ректорати ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтган йили 43 миллион сўмлик дарслиқлар ва ўқув қўлланмалари олиб берилди. Кутубхона заллари таъмирланиб, замонавий жиҳозлар,

компьютер билан таъминланди.

— Олинган дарслик ва қўлланмаларни соҳалар бўйича таснифлашда, китобхонлар қўлига етказишда, турли саналар муносабати билан китоб кўргазмалари, хусусан «Кутубхона янгиликлари», «Тиббиёт янгиликлари» каби ойлик кўргазмаларни ташкил этишда А.Комкова, З.Караморова, М.Шомуратова, В.Лобкова, Х.Любятцақларнинг хизматлари беқиёс. Улар қаторида ёш кутубхоначилар Г.Ишмухамедова, Д.Ҳаёева,

Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» муҳбири

Мавзуга қайтиб

Ҳарчандири К.Шарипов ва ҳокимликнинг маънавият бўйича бош мутахассиси М.Абдулҳайров «Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кутубхоналарни бойитишнинг илоҳи йўқмикан?» деган саволимизга, худди ўт кетгандек муносабатда бўлишди. М.Абдулҳайров шартта телефон гўшагини

— Кутубхоналарга ҳомийлар жалб этиш масаласи яқинда бўлиб ўтган Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими касаба уюшма қўмитасининг умумий йилгилигида кутубхоначилар томонидан кўтарилди. Ҳомийлар топшига ҳаракат қилинапти, — дейди маданият ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг вилоятдаги вакили Б.Худойберганов.

Бўлим бошлиғи Д.Иброҳимова фикрича, эстрада бирлашмаси вилоят бўлимидаги санъаткорларга тўй-ҳашамларга бориш учун йўлланма бериш ҳуқуқи маданият ва спорт ишлари бошқармасига ўтказилса, бюджетта етарли маблағ тушиб, муаммолар ўз-ўзидан ечимини топиши мумкин.

Хуллас, ҳозирча гап қўпу иш оз. Қуруқ ваъдалару бир марталиқ топшириқлардан воз кечиб, узок муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш фурсати етмади-микан?

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

МАСЛАХАТХОНА

Савол: Ходимни ишдан четлаштириш қандай ҳолатларда ва қай тартибда амалга оширилади.

Ж.МАНСУРОВ,
Зангиота тумани

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 113-моддасига кўра, вақтинча ишдан четлаштирилган ходим ўша давр давомида бажариб келган хизмат вазифасига қўйилмайди. Ходим куйидаги ҳолатларда ишдан четлаштирилиши мумкин:

1. Алкоғолли ичимликдан мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик ёки токсик

ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ

модда таъсирида ишга келганда иш берувчи уни бутун иш кунини давомида ишга қўймасликка ҳақли. Тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий бўлган ходимлар тоифаси МК нинг 214-моддасида қайд этилган:

3. Терговчи, прокурор, суд ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар талабига биноан иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга мажбур.

Карим МУХТОРОВ,
хуқуқшунос

БУНГА ХУҚУҚИМ БОРМИ?

Савол: 2006 йил 18 мартда 55 ёшга тўлдим ҳамда имтиёзли пенсияга чиқдим. Аммо мактабда ўқитувчилик касбининг давом эттириш хоҳишим бор. Бунга хуқуқим борми?

А.АХМЕДОВ,
Камаш тумани 14-ўрта мактаб ўқитувчиси

Жавоб: Меҳнат Кодексининг 6-моддасига кўра, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларида мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчилик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёزلар белгилашга йўл қўйилмайди.

Шу боисдан ҳам мактабда ишигини давом эттиришга тўла ҳақингиз бор.

Савол: Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini тақомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантириш кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари асосида Директор жамғармасидан фойдаланишда мактаб директори ҳамда ўқитувчилари ўртасида пайдо бўлаётган айрим тушунмовчиликларга аниқлик киритиб берсангиз:

- Туман ва вилоят фанлар олимпиадасида, кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида фахрли ва совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг ўқитувчилари рағбатлантирилади?
- Турмуш ўртоғи вафот этса ёлғиз онага моддий ёрдам бериш мумкинми?
- Мактаб директори, унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ЧЕТ ва таъхис марказининг мактабдаги ходимлари Директор жамғармасидан муқофот ва моддий ёрдам олишга ҳақлими?
- Ўқитувчининг ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди вафот этса, касал бўлиб қолса, ногирон бўлса унга моддий ёрдам берилиши мумкинми?
- Мактаб махсус комиссияси қарори билан белгиланган муқофот ёки ёрдам пулининг ведомости туман халқ таълими бўлими мудири бош ҳисобчиси имзоси билан тасдиқланадими?

Э.ГЕЛДИЕВ,
Кизирик тумани

Жавоб: Маълумки, Директор жамғармаси умумтаълим муассасаларида самарали меҳнат қилаётган ходимларни муносив тақдирлаш мақсадларига хизмат қилиши шарт. Директор жамғармаси Низомиди маблагларнинг мақсадли сарфланишига ваколатли шахслар масъулияти ва назорат қилиш тартиби махсус комиссия зиммасига юклатилган:

- муқофотлашга ва тарбиявий жараён амалга оширилиши сифати ҳамда синфдан ташқари ишларга, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижага эришиш ва таълим сифати учун берилган устам ҳақларга лойиқ педагог ходимлар номзодини аниқлаш ва тасдиқлаш;
- педагог ходимларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан Директор жамғармасидан тўланадиган муқофот ва устам ҳақининг аниқ тури ва миқдорини белгилаш;
- умумтаълим муассасалари ходимларини муассаса ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси, ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришилгани учун бир лавозим оқлагандиган бўлган миқдорда муқофотлаш;
- умумтаълим муассасалари ходимларига истисно ҳолларда уларнинг муқофотлиги умумтаълим муассасаси касабда уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича моддий ёрдам кўрсатиш (яқин қариндошлари вафот этганда, оғир жараҳат олганда, оғир касал бўлганда, фавқулодда ҳодисалар юз берганда);
- педагог ходимларга устам ҳақ белгилаш ва умумтаълим муассасалари ходимларини муқофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатишда ҳолисоналик ва ошқоралиқни таъминлаш;
- устам ҳақ ёки муқофот пули миқдорини ҳолисона белгилаш учун ҳар бир педагог ходим фаолияти натижалари мониторингини ташкил қилиш ва ўтказиш, улар томонидан ўтказилган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар самарадорлигини баҳолаш, улар ўқитаётган ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мос келишини аниқлаш

дан иборат. Комиссия мажлиси аъзоларининг қамидан икки қисми иштирок этганида ҳақиқий ҳисобланади. Бунда мактаб касабда уюшма ташкилоти раиси ва мактаб ота-оналар қўмитаси вакиллари иштирок этиши шарт.

Педагог кадр меҳнати самарадорлиги — ўқувчиларни фан олимпиадалари, республика, вилоят даражасидаги кўрик-танловларида, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги орқали аниқланади. Аттестация орқали тоифалар берилишида аҳамиятга эга Директор жамғармаси Низомиди туман, вилоят фан олимпиадасида фахрли ва совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг ўқитувчилари шундай миқдорда муқофотланади, деган жумладан бўлмаса ҳам, бундай ўқитувчилар тадбир ўтказувчилар томонидан рағбатлантириб борилади. Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва ўз фаолиятини вақтвий ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқувчиларга ҳар ойлик устамалар белгиланмайди. Кўп ҳолларда мактаб маъмурияти ва касабда уюшмаси ташкилоти билан тузилган жамоа шартномаларига бандлар киритилиб, қанча қандай миқдорда моддий ёрдам уюштириш ҳақида келишиб олинади. Юридик мақомга эга бўлган умумтаълим муассасалари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ҳамда халқ таълими бошқаруви органлари — бюджет маблагларини тақсимловчилар (жумладан юридик мақомга эга бўлган мактаблар ҳам) Директор жамғармаси маблагларининг мақсадли сарфланиши, шунингдек, устамалар ва муқофотлар (моддий ёрдамлар) миқдорининг тўри йўналтирилиши учун жавобгар ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тартиб бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари Директор жамғармаси маблагларининг мақсадли сарфланишини ўрнатилган тартибда текширишни амалга оширади.

Йўлдош АХМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабда уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

Фуқаролар йиғинларида сайлов

Самарқанд шаҳридаги «Олтин аср» маҳалласида 17 та кўп қаватли уй бўлиб, 760 хонадонда бир минг элик нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада озодликка, кўчаларозлаштириш ва ободонлаштириш ишларида алоҳида эътибор берилади.



Хайринисо Раис бўлди

Сўзга чиқиб, маҳалла раислигига Хайринисо опани сайлашни таклиф этди ва бир овоздан Х. Шатанова маҳалла раислигига сайланди.

— Ешим ўн еттида. Сайловда биринчи марта иштирок этдим, — дейди Мадина Хусанова. — Хайринисо опани яхши биламиз. У киши маҳалла-амиз аҳолисида, мактаб ўқувчилари юрштиришдан тез-тез хабар олиб туради. Ун беш миллат вакиллари билан

аҳил-иноқмиз. Раисимиз 4-5 тилда равон сўзлаша олади. Уларнинг ана шундай хислатлари менга ёқади. Хайринисо опани элим деб куйиб пишади-ган аёл.

Суратларда: Самарқанд шаҳридаги «Олтин аср» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Шатанова; сайловдан лавҳа.



Т.НОРҚУЛОВ
(Уэа) олган суратлар

Савол: 1.Ўқитувчилик меҳнат стажим 21 йилни ташкил этади. Имтиёзли пенсияга чиқаётганимда олий ўқув юртида таълим олган даврим махсус ўқитувчилик иш стажига қўшилмади. Шу тўғрими?

2.Ишлаётган II гуруҳ ногирони ёшга доир пенсияга чиққан тақдирда, унга II гуруҳ ногиронлиги учун белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинадими?

3.II гуруҳ ногиронининг ёшга доир пенсияга чиққанидан кейинги меҳнат стаж ва шу даврдаги иш ҳақи 'асосида пенсия миқдори қайта кўриб чиқилиши мумкинми?

М.ХАТАМОВА,
Жиззах шаҳри

Жавоб: 1.Вазирлар Маҳкамасининг 250-қарори билан тасдиқланган 3-ўйлашнинг VII қисмига биноан олий ўқув юртида беш йил ўқитган даврининг махсус ўқитувчилик меҳнат стажига қўшилмайди. Бироқ ушбу беш йиллик муддат умумий меҳнат стажига қиради.

2.Давлат пенсиясининг бир неча турларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга хоҳишларига кўра улардан факат битта тури тайинланади.

3.Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари куйидагича:

- пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланганига бўлган иш стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;
- ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;
- боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;
- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;
- минтақавий коэффицент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;
- даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсияонерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин тегишли идорага мурожаат этишлари мумкин.

1.ОҒА

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг чўл туманлари бундан роппа-роса 50 йил бурун «қуш ўчса қаноти, одам юрса оёғи қуяди» бийбон эди. Бугунга келиб бепойи пахтазорлар, богу роғлар барпо этилиб, қатор маданий-маиший иншоотлар, турар-жой бинолари қурилиб, Мирзачўл Мирзатуристонга айланди.

Чўлкуварлар ҳақида гап кетгудай бўлса, Ризали ота Ёкубовнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Мана элик йилдирики, ота чўл кўйида яшаб, меҳнат қилмоқда. Ота айна пайта оиласи билан умргузаронлик қилиб келаётган Мирзачўл туманидаги «Ташкент» агрохизмат маркази худуди бир вақтлар Форши туманининг яйловлари бўлган. Чўлкувар шу ерда туғилиб ўсди. Ота касбининг ихтиёр этиб, чўпонлик тағини қўлга олди.



Исломожон Абдуллаев ва биқарлар Мирзачўлга тонг гира-ширасида етиб келишди. Атроф қамишзор. Чиябўриларнинг чинқириқлари ваҳимали эшитиларди.

2.ҚАҲРАМОН

...Баҳорнинг илк чечаклари қулф урган кунларнинг бирини Фаргона водийсидан катта бир қарован сафарга чиқди. Улар орасида эндигина мўйловли сабза ура бошлаган йигитча ҳам бор эди.

Исломожон Абдуллаев ва биқарлар Мирзачўлга тонг гира-ширасида етиб келишди. Атроф қамишзор. Чиябўриларнинг чинқириқлари ваҳимали эшитиларди. — Сизларга ажратилган ер шу

3.ЭЗГУЛИК

Жиззах вилоят касабда уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида Агросаноат мажмуи ходимлари касабда уюшмалари Мирзачўл туман Кенгаши раиси Насриддин Бобоев ҳақида мақола ёзишимни илтимос қилиб қолишди. Эллая олармиканман, деб бироз ўйлаиб қолган эдим ўшанда.

Исломожон Абдуллаев шунча обрў-этиборга ўз меҳнати, чўлга бўлган садоқати, одамийлиги билан эришди. У чўлга меҳр қўйган бўлса, тупроғи олтин Мирзачўл уни юртга танитди.

Чўлкувар раиснинг бевосита саъй-ҳаракати билан «Қамол», хаёт аршини билан ўлчайди. Улгуролган юмуши, етолмай қолган манзили бўлса янада илдам-роқ ҳаракат қилади. Исломожон ҳам шундай, орда қолган изларига қараб, эртанинг уфқларини белгилайди. Натижалар ҳаминча унга озга ўшаб кўринаверади.

Мен бу инсонни қарийб ўттиз йилдан бери биламан. Урта бўйли, қотмадан келган, жуда суҳбатхондон, ҳеч зериктирмайди. Олим-агроном бўлганлиги учунми, мавзу айланиб келиб, тупроқ, ўсимлик ҳақида бўлаверарди.

Исломожон Абдуллаев қатор йиллар механизаторлик қилди, бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси ва агроном лавозимларида самарали ишлади. Саъй-ҳаракатлари бесапар кетмади. Кўксини Меҳнат Қаҳрамони нишони бевади. Олтинми ёшлардан ўтиб қолган биринчи чўлкувар ҳамон эл орасида. У дастлаб Дўстлик туманидаги Саркисов номли агрохизмат маркази бошланғич касабда уюшма ташкилоти раиси вазифасида ишлади. Айна пайтада агрохизмат маркази тугатилиб, унинг ўрнида ташкил этилган фермер хўжалиқларида бирлашган бошланғич касабда уюшма ташкилотига етакчилик қилмоқда.

Чўлкувар раиснинг бевосита саъй-ҳаракати билан «Қамол»,

«Инсонга наф келтириш — олий бахт»

ТАНЛОВИГА

доимо диққат марказида. Бугдой улашиши, ободонлаштириш ва кўчаларозлаштириш бўладими, тўй-маърака, қўйиники, барча эзгу ишларининг бошида уни учратасиз.

Исломожон Абдуллаев шунча обрў-этиборга ўз меҳнати, чўлга бўлган садоқати, одамийлиги билан эришди. У чўлга меҳр қўйган бўлса, тупроғи олтин Мирзачўл уни юртга танитди.

пириш мумкин. Мен сизга бундан 1-2 йил бурун бўлиб ўтган бир воқеа ҳусусида гапириб берсам, деб қолди раис дабдурустдан.

— Ёз ойлари эди. Кунларнинг бирида қабулимга бир аёл келиб қолди. Кўринишидан анча хорғин, тушкун қайфиятда. Уни бир ўспирин ногиронлик арава-часида олиб келганди. Анча суҳбатлашдик. Кетишда қўлимга бир коғоз тутқазди-да «Иложи бўлса,

йилнинг 15 июн кунини соат 14.00 ларда Икромжон велосипедда дўқондан чиқиб кетиб, йўқолиб қолди. Беш кундан кейин хабар келдики, у хибсга олинган экан. Шу масалда бизга ёрдам берсангиз, деб биринчи гуруҳ ногирони, Гагарин шаҳрида яшовчи Бибифотима Саидова.»

— Шу иш бўйича бир неча ойлалар шуғулландим. Ҳақиқат эгилди, аммо синмайди, деганларни рост экан. Бу каби қабиҳ ишларни уюштирган жиноий тўданнинг барча кирдикорлари фош қилинди. Бегуноҳ қамалган 11 нафар киши озодликка чиқди. Шу жумладан, Икром Саидов ҳам. У айна коғоз оиласи бағрида яшаб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган.

Адоллати, элпарвар касабқўм раиси хамроҳлигида Бибифотима Саидова хонадонидан бўлдик. — Яхшиямки, сиз ва сизга

Чўлда чирок ёққанлар

— Бугунги чўлнинг қиёфасини кўриб, рости, кўзларимга ишонмайман, — дейди ўтган йилларни хотирлаб отахон. — Биз 6 нафар киши шу ерда иш бошлаганимизда, шунчалик ўзгариб кетди, деб ўйламаган эдик. На ичимлик суви, на оқар сув, на бир гиёҳ бор эди. Инсон қўли гул экан, канал қазиб, оби ҳаёт келтирилди. Пастбаландликлар текисланиб, 40-50 гектарлик эким майдонлари ҳосил қилдик. Ҳали-ҳали эсимда, биринчи плугомочини тракторга тиркаб, ўзиминг биринчи пуштани олганман. Кейинчилик уйлар, маданий-маиший объектлар қад ростланди. Шу хўжалиқнинг биринчи касабда уюшма қўмитаси раиси ҳам бўлганман.

Ризали Ёкубов қатор йиллар механизатор, бригада етакчиси, бўлим бошқарувчиси вазифаларида самарали меҳнат қилди. Сўнгги йиллар «Ташкент» хўжалиғида раҳбар лавозимиди

мизни, кадриятларимизни, урф-одатларимизни берди, дейди отахон. — Узим козок миллати вакилиман. Ўзбекистонда туғилдим, ўсдим. Турли лавозимларда ишладим. Кам бўлганим йўқ.

Айна пайтада Ризали ота қишлоқ оқсоқоли, эл оғаси, кўп хайрли ишларга бош-қош. Маълумки, Мирзачўл тумани Қозоғистон Республикасининг Еттисой тумани билан чегарадош. Жумладан, «Ташкент» хўжалиғи ҳам. Туманда Қозоқ миллий-маданий маркази ташкил этилган. Отахон марказ раиси ўринбосари. У кишининг бевосита ташаббуси билан козок драма театри очилди.

Отахон тўй-маъракаларнинг бошида. Катта-уа кичик барча у кишини севиб, ардоқлаб, оғамиз дейишди. Тиниб-тинчимайди, дам далада, дам хамқишлоқлари орасида йўл созлашми, бог яратишми, қўйиники, эл ташвишида юради.

— Оғамиз ҳаминча инсонга наф келтиришни ўйлайди, — дейди хамқишлоғи Ўринбек

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Кариб бир ҳафта мобайнида футбол мухлисларининг нигоҳи пойтахтимизда кечатган китба биринчилиги баҳсларига қаратилди. Осиёнинг 16 та энг кучли жамоалари иштирок этган чемпионатда вакилларимиз чиройли ўйин кўрсатиб, финалгача етиб келдилар.

ринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлим бошида япониялик футболчилар ҳужумга зўр берди. Ҳимоячиларимизнинг кетма-кет хатоси дарвозамизга иккита тўп киритилишига

Футзал

ўрнига ҳам футболчи тушириб катта хатога йўл қўйди. Мураббийнинг нотўғри тактикаси ҳисобни ўнглаб бўлмади даражага олиб келди. Мамедов томонидан киритилган битта тўпга мўҳмонлар бешта тўп билан жавоб берди. Финал ҳўштаги чалинганда футболчиларимизнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Тўғри, мағлубият аламли бўлади. Бироқ, иккинчи ўрин ҳам ҳаммага насиб этмавермади.

Япония терма жамоаси ўз тарихида илк марта "Олтин кубок"ни қўлга киритди. Тантанавор кечган ёпилиш маросимида Осиё футбол федерациясининг президенти Жунжи Оно ҳамда ЎФФ президенти Мираброр Усмоновлар қўлидан "Олтин кубок" ни олган япониялик футболчилар ҳам шодлигидан йўғлаб юборди. "Ҳалол ўйини учун" номинациясида вакилларимиз мукофотга лойиқ топилган бўлса, "Энг яхши футболчи" деб Кичеро Кагуре топилди. Мусобақалар тўпураги Воҳид Шамсаий ҳам муносиб тақдирланди.

А. МАМАЖОНОВ

ВАКИЛЛАРИМИЗ КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида футбол бўйича VIII Осиё чемпионати якунланди

Финалда улар Япония терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Аввало, учинчи ўрин учун кечган ўйин ҳақида тўхталасак. Бу учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Сунги бўлимини шиддатли ҳужумлар билан бошлаган Эрон вакиллари бир дақиқада икки гол киритиб, ўйин давомида ташаббусни қўлдан бермадилар. Якунда улар Қирғизистон терма жамоаси устидан 5:3 ҳисобида зафар қўчдилар. Шундай қилиб, Осиё китбасининг етти карра чемпиони Эрон вакиллари ўз тарихларида биринчи марта учинчи ўринга тушиб қолишди.



бошқариб борган хитойлик Зи Зон Ли анча қийин аҳволга тушиб қолди. Би-

олиб келди. Бу ҳали хол-васи экан. Шундан кейин бош мураббий дарвозабон

Умр — оқар сув гўё. Шундай экан, инсон бу ҳафтада ўзидан яхши ном қолдиришига интилиб яшамасин дегим. Зеро, эзгулик ва яхшиликнинг умри боқийдир.

Зайниддин Ўринбоев курашга болаликдан меҳр қўйди. Собик тузум даврида миллий курашга эътибор анча суст бўлган боис ёш полвон самбо билан жиддий шугуллана бошлади. Тиршқоқлиги, изланувчанлиги ва чайирлиги боис тез орада мутахассисларнинг назарига тушди.

..Ушанда 1976 йил эди. Илк марта йриқ халқаро турнирда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари З.Ўринбоев, Ж.Пирназаров ва М.Алиевлар Тошкентда ўтган навбатдаги турнирда зафар қучиб, спорт устаси унвонига сазовор бўлишди.

Орадан қанча сувлар оқиб ўтди... Яқинда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо кураши бўйича ўтказилган фахрийлар ўртасидаги Республика чемпионатида ҳар уччала спортчи ўз вазирида чемпионлиқни қўлга киритдилар.

— Бунақаси камдан-кам бўлади, — дейди ҳажжонини яшира олмаган Зайниддин ака. — Қаранг-а, қўз очиб юмгунча 30 йил

Ҳорманг, фахрийлар!

Ўзбекистон энгил, меҳоб саноати ва коммунал-مائий хизмат ходимлари ка-

ҳимоя қилиш орзусида яшашини бот-бот айтди. Мана, эзгуликка йўрилган ният амалга ошадиган бўлди.

Дарвоқе, бу чемпионатда касба уюшма ташкилотларида хизмат қилаётган тўрт нафар спортчининг барчаси голибликни қўлга киритди. Айниқса, бухоролик Нурмуҳаммад Юсуповнинг самбо кураши бўйича ҳажон гиламларида эришган ютуқлари мақтовга лойиқ. Нафақат самбо, балки ўзбек кураши бўйича ҳам бу фахрий спортчи 2004 йил Термиз шаҳрида ўтган ҳажон чемпионатида ўз вазирида зафар қучган эди. Яна икки нафар фахрийлар — Ҳажонгир Пирназаров ҳамда Михаил Алиевлар ҳам Тожикистон ва Чехия мамлакатларида ўтган самбо бўйича ҳажон чемпионатида совриндорлар сафидан жой олгани қувонарлиқ. Улар ҳам касба уюшма спортчилари ҳисобланади.

Хуллас, куз фаслининг дастлабки ойда пойтахтимизда ўтадиган фахрийлар ўртасидаги ҳажон чемпионатида касба уюшма спортчиларига омад ёр бўлишини тилаймиз. Ана шунда, қўшалоқ байрам бўлади.

Абдулхай ЮНСОВ

КУРАШ ГИЛАМИДА ЎТТИЗ ЙИЛ



ўтиб кетибди. Кеча йигитлар эслатиб қолишди. Энди бу санани Худо хоҳласа, Тошкентда бўлиб ўтадиган фахрийлар ўртасидаги галаба билан нишонлашга ҳаракат қиламиз.

саба уюшмаси Марказий кенгашида бош мутахассис бўлиб ишлайдиган қаҳрамонимиз, ўзaro суҳбатларда фахрийлар ўртасидаги ҳажон чемпионати баҳсларида мустақил юртимиз шарафини

Ангорлик Давлат Ҳўжаёров бизни Таллимарон қишлоғидаги мактабга таклиф қилиб қолди. У полвон келбати, истараси иссиқ, киришимли йигит. Ҳамма билан тил-топишиб кетаверди. Шундан бўлса керак, дўстлари кўп. Курашини севади. Ўзи ҳам то рўзгорли бўлгунча, тўйларда курашга тушиб юрган.

Давлат жўрамиз қишлоқда энг керакли касблардан бири ўқитувчилик эканлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам шу касбни танлаган. Уни «Давлат муаллим» дея эъозлашлари бежизга эмас. Қишлоқда Давлатга ўхшаш ўқитувчилар анчагина.

на. Лекин орада негарики Ҳўжаёровни гоҳ у, гоҳ бу мактаб директорлари: «бизга ишланг, бизга келинг», деб ҳоли жонига қўйишмайди. Давлат эса ҳеч кимнинг кўнглини огритмайди. Таллимарон қишлоқ хўжалик касб-хўнаро коллежи очилган, ўша даргоҳга ишга таклиф қилишди. Яна «йўқ» деймади. Энди директорларнинг таклифидан қулоғи тиничан пайтда, уни яна ўз ҳолига қўймайдиганлар қичиб қолди. Қишлоқнинг бир гуруҳ оқсоқоллари, ота-оналар уйига келавериб: «қишлоқда янги қурилган мактабга директор бўласан» деб туриб олишди. Нойлоқ коллеждан бўшадди.

ҳоят уйдим-чўқур бўлиб ётган майдон ҳашар йўли билан тартибга келтирилди. Баъзан меҳнат дароларида ўқувчилар жонбозлигида, баъзида эса шанба-якшанба кунлари 24 нафар муаллим бу жойда ҳашар уюштирди. Икки ой деганда ташландиқ ётган ер замонавий андозаларга жавоб берадиган ўйингоҳга айланди-қолди. Стадионни чиллаш, темир дарвозалар ўрнатишни ҳам

Ибрат

дан бошланади» деган яхши ниятлар битилган эди. Ниятнинг улўғлигини қаранг-а! Шу кўни 17-умумтаълим мактабининг ҳашар йўли билан тикланган ўйингоҳига Таллимароннинг тўртта маҳалласидан 4 та жамоа ташриф буюриб, ўзaro баҳслашдилар. Якунда голиб жамоа ўйинчиларига рангли телевизор, иккинчи ўринни эгаллаганларга эса бир бош қўчор ва учинчи ўрин сохибларига 50 минг сўм топширилди. Энг асосийси, шу кўни қишлоқ болаларига маъна бўлди.

Дарвоқе, мактаб ўйингоҳида бундан кейин расмий бўлмас-да, ҳар кўни мусобақалар бўлиб ўтади. Чўнки болалар синф-синф, кўча-кўча бўлиб футбол ўйнайдилар. Давлат дўстимизнинг таклифномада битган ўша эзгу нияти эш бўлиб, таллимаронлик болалар орасидан мамлакат шарафини ҳимоя қиладиган етук спортчилар камолга етса, ажабмас...

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири

ДАВЛАТ МУАЛЛИМ

ёхуд ростдан ҳам «Ҳажон чемпионатида йўл — Таллимарондан бошланади»ми?

Бизни қувонтирган яна бир жиҳат шўки, олис қишлоқдаги мактабининг барча ўқув хоналари компьютерлаштирилган, лингофонлар билан жиҳозланган. Телевизор ёки бошқа замонавий кўргазмалли қуроллар дейсизми, бари янги. Ушбу илм даргоҳининг қишлоқ болаларини ўз бағрига чорлаганига икки йил бўляпти. Лекин синфхоналарни кўриб, қўларингизга ишонмайсиз. Негаки, дераза-ромлар,

эшиқлар, деворлар гўёки ҳозир қурилгану ҳали бугёги қурилмагандек ялтираб турибди.

Ваҳоланки, бошқа мактаблар ҳар доим, ҳар йили таъмирланади, бунинг учун миллион-миллион сўмлар сарфланади.

Биз мактабда кўрган замонавий ўқув қуроллари ҳамда жиҳозлар, умуман илм даргоҳи биноси давлат маблағлари ҳисобига келтирилган ва барпо қилинган.

Бироқ Давлат Ҳўжаёров ва у бошлиқ жамоа «ҳамма нарсани давлат қилиб беради» деб юришмагани, ўзлар ҳам у-бу ишни бажаришга ҳаракат қилишганининг шохиди бўлди. «Қарс икки қўлдан чиқади» деган нақлга амал қилган муаллимлар «давлат-ку шўнчасини яради» берди, энди бизлар ҳам қимирлайлик-да» дейишиб, мактаб ёнида стадион учун ажратилган майдонни яшана-тишга азм қилишди. Ва ни-

эллашди. Энди мактаб стадионида туман, вилоят миқёсидаги волейбол, баскетбол, энгил атлетика, футбол, қўл тўпи мусобақаларини ҳам ўтказса бўлади.

Яқинда мактаб ўйингоҳи фойдаланишга топширилди ва шу муносабат билан футбол мусобақалари ўтказилди. Тадбирга узок-яқиндан меҳмонлар таклиф этилди. Бир таклифнома бизга ҳам теғди. Унда: «Ҳажон чемпионатида йўл — Таллимарон-

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Мана бир неча йиллардики К.Убайдуллаев номдаги Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг санаторий-профилакторийси соҳа вакилларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Саломатлик маскани умумий даволаш йўналиши бўйича 50 ўринга мўлжалланган. Ўқитувчилар ўз мутахассисликлари бўйича фан янгиликларидан хабардор бўлиш билан бирга, дардларига шифо топишмоқда. Улар учун бу ерда барча қўлайликлар мавжуд. Санаторий-профилакторийда асаб касалликлари, ошқозон-ичак, буйрак, жигар хасталиклари билан оғриган беморлар даволанишди. Сихатгоҳда физиотерапевтик муолажалар, парафин, массаж, игна, сауна, балчиқ билан даволаш йўли қўйилган. Гавҳар Атамуродова, Ойгул Тўраева, Ўнгар Санатуллоева, Айзода Кўчабоева каби меҳрибон шифокору ҳамширалар хизматида даволанувчилар мамун бўлишмоқда.

Икромбек ХОЛМУРОДОВ



БОЛАЖОНЛАР МАСКАНИ

— Мақсадимиз ёш авлодни Она Ватанга содиқ, баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборат, — дейди Бувайда туманидаги Бувайда қишлоғида жойлашган 33-болалар боғчасининг мудири Хўршидаҳон Бурҳонова. Дарвоқе, ушбу боғча тумандаги энг намунали тар-

бия масканларидан бири ҳисобланади. Негаки, бу ерда ўз касбининг чинакам фидойисли бўлган жонқуяр инсонлар мурғак қалблар таълим-тарбияси йўлида самарали фаолият олиб боришмоқда.

Бугунги кунда бу ерда меҳнатқашларнинг 80 нафар

ўғил-қизлари тарбияланмоқда. Уларнинг мазмуни дам олиб, таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

2002 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу боғча аслида маҳалла аҳлининг талаб-истаклари асосида ташкил этилган эди. Бугунги кунда у энг яхши боғчалардан бирига айланди. Айни пайтда кенг ва ёруғ хоналарда машғулотлар тарбиячилар томонидан кизикarli ва жонли қилиб ўтказилмоқда. Боғчага кирган киши ўзини гўё гулзорга кириб қол-

гандек ҳис қилади.

Суратларга: тарбиячи Лазоқат Икромова, боғча мудири Хўршидаҳон Бурҳонова, ҳамшира Раъно Ҳўминова; болажонлар жисмоний машқ пайтда.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар



Маданият хабарлари
ГОЛИБЛАР

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури тадбирларида мувофиқ Наманган шаҳридаги санъат коллежида таълим ва фан ходимлари касба уюшма кенгаши ташаббуси билан адабиёт, санъат ва бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ушбу тадбирда 286 нафар ижодкор иштирок этди. Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев бошлиқ ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларни баҳолади.

Шу ёрнинг ўзида халқ амалий ижодиёти йўналиши бўйича ижодкорларнинг иш намуналари, ҳаваскор расмолар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Бадий ҳаваскорлик жамоалари 6 та жанр бўйича ўз дастурларини намойиш этишди. Умумжамоа ҳисобида Норин тумани ижодкорлари голибликни қўлга киритган бўлса, Қосонсой ва Чортоқ туманлари 2-3 ўринларга эга бўлишди.

Наманган туманидаги 8-мактабининг ўқитувчиси Дилором Сотиболдиева адабиётнинг наср йўналиши, Норин туманидаги 3-мактабга таълим муассасаси мудири Қимматхон Мамажонова «Бедроз кизнинг тушлари», «Шамолга айтилган сирлар» шеърини тўплагани, Чортоқ туманида-

ги Ойқирон коллежи ўқитувчиси Халима Тожибоева зардўзлик, каштачилик иш намуналари, Тўрақўрғон туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси Фарҳод Тожибоев портрет ва орнамент бўйича эътироф этилди. Қўшиқчиликда Наманган тумани 23-мактаб ўқитувчиси Баҳром Қодиров, маком йўналишида Уйчи туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Лобархон Мирзахмедова ҳамда Чортоқ тумани педагогика коллежи жамоасининг «Адашганлар» номли саҳна кўриниши юқори баҳоланди.

Кўрик-танлов голиблари, фаол иштирокчилар вилоят касба уюшмаси кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ж.ОБИДЖОНДОВ

Навоий сабоқлари
03-03 ЎРГАНИБ
ДОНО БЎЛУР...

Қадим Шарқда азал-азалдан мақол-маталлар, теран маъноли хикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойиллик кўчи бўлган. Халқ эртаклари доналарда ота-болаларимиз битта хикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шохидлик беради.

Ривоят қилишларича, Оллоҳ Таоло Ҳазрат Ҳўжаи Хизрдан: «Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат» деб сўраганида у хикматни танлаган экан. Шундан кейин ул зотта шўнчалик кўп хикмат берилгани, барча унинг панд-насихатларига муҳтож бўлган экан. Шунинг учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривожланган. Айниқса, Алишер Навоийнинг бу борадаги ижоди ибрат мактабидир. Мутафаккир шоир Алишер Навоий асарлари хаёт қомусига ўхшайди. Чўнки бирор бир хаётий масала, инсонга хос қадрият ва тўйгулар, фазилат ва хислатлар йўқки, аллома зот қаламга олмаган бўлса.

Ўзингизда тутилган ҳар қандай саволга жавоб излаб Навоий ижодида мурожаат қилсангиз, аҳвол-руҳиятингизга мо бир хикмат топиб, муродингиз ҳосил бўлади, кўнглингиз таскин топиши шўбҳасиз. Навоий ижоди — хикматлар уммони. Уни қанчалик ўқиб-ўргансак, шўнчалик маънан юксаламиз, руҳан поклаймиз борамиз. Зеро, Навоий сабоқлари эзгулик элчиларидир.

- Ақлу хикмат ишидур бўйла маошу ойин, Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.**
- Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат — Ки, келса жинси башардин анга эрур дохил.**
- Аҳбоб, йигитлики ганимат тутунгуз, Ўзини қарилқ меҳнатидин кўркутунгуз, Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз, Ҳар навъ ила ўзини неча кун овутунгуз.**
- Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни му-тақаллим тутма. (Зарур жойда гапир, зарурати бўлмаганда ўзингнинг нотиклигини намойиш қилма)**
- Айш, Навоий, неча дилқашдурур, Лек адаб бирла хаё хушдурур. (Эй Навоий, айшу ишрат ҳар қанча ёқимли бўлмасин, лекин одоб билан хаё ундан яхшироқдир)**
- Аدل айлаки, ул халқ хаёти бўлимиш, Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлимиш, Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлимиш, Ҳам адл била мулк саботи бўлимиш.**
- Авжи шараф узра офтоб ўлди хаё, Бўстони саодатга сажоб ўлди хаё, Мазмун ҳасонлга жиҳоб ўлди хаё, Эл айнага гўёки нақоб ўлди хаё. (Хаё улўғлик осмонининг энг чўққисига юксалган қуёшдир. Саодат бўстони устидаги саховат булуғидир. Лекин у баъзида ёмон сифатларни яшириб, эл кўзига тутилган ниқоб вазифасини бажаради.)**
- Агар шох, ар гадоур одамизод, Эмас бўйини қаю ҳўқимдин оюод. (Киши хоҳ шох, хоҳ гадо бўлсин, тақдир ҳўқмига қарши чора тополмайди)**
- ... аждаҳони ишқ этар мўр. (Ишқ қошида аждаҳо чўмолига айланади)**
- Ани саҳий англагил, эй хушманд — Ким, ани давлат қилибон сарбаланд. Ҳоли агар яхшидур, гар табоҳ, Кимсадин тамаъ этмас молу жоҳ. (Эй оқил, толеь макомини баянд қилиб, ҳоли хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, бировдан молу дунё тамаъ этмайдиган кишининга саҳий деб бил)**
- Аблаҳ ани билки, оламдин бако қилгай тамаъ, Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ,**

З.ОЧИЛОВ тайёрлади

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

Тиражи: 15164

Бизга кўнғирок қилинг:

Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 714

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллоев
Навбатчи муҳаррир - Ф.Юсупов
Мусаввирчи - Н.Юлдошев
Навбатчи - О.Эргашев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топшириш вақти - 21.40